

# Ishonch

2019 йил 12 октябрь • шанба • № 125 (4254)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## МДХНИНГ АШХОБОД САММИТИ

### САММИТ ДОИРАСИДАГИ УЧРАШУВЛАР

**МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг Ашхобод саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан учрашди.**

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги дўстлик, яхши кўшничлик ва стратегик шериклик муносабатлари бугун юксак даражага кўтарилганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Учрашувда савдо, саноат кооперацияси, энергетика, транспорт, маданий-гуманитар алмашинув соҳаларида ва бошқа устувор йўналишларда икки томонлама амалий ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Президентлар бўлажак олий даражадаги учрашувлар режасини кўриб чиқдилар, шунингдек, халқаро ва минтақавий аҳамиятта молик масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Арманистон Республикаси Бош вазирини қабул қилди.**

Учрашувда савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш муҳимлиги қайд этилди.

Хукуматлараро ва идоралараро даражада ўзаро алмашинувларни йўлга қўйишга келишиб олинди.

Халқаро сиёсат ва кўп томонлама ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликка доир долзарб масалалар ҳам муҳокама қилинди.

ЎЗА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 10-11 октябрь кунлари Туркменистон пойтахти Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.**

Саммитнинг асосий тадбирлари 11 октябрь кунини бўлди.

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов раислигида ўтган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Арманистон Республикаси Бош вазирини Николай Пашинян, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков, Молдова Республикаси Президенти Игорь Додон, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, МДХ Ижроия қўмитаси раиси – Ижрочи котиби Сергей Лебедев иштирок этди.

Дастлаб МДХ давлат раҳбарлари тор доирада учрашув ўтказди. Унда Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ушбу халқаро тузилма фаолиятини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди, минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Унда нутқ сўзлаган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ҳамдўстлик доирасида кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш зарурлигини қайд этди ҳамда шерикликнинг истиқболли йўналишларига алоҳида эътибор қаратди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ўзбекистон учун, аввало, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, турли тармоқларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, транспорт-логистика ва транзит салоҳиятини рўйбга чиқариш, хавфсизликни мустаҳкамлаш, маданий-гуманитар алмашинувларни кенгайтириш жиҳатидан манфаатлидир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг ушбу ташкилотдаги иштироки анча фоллашди. Жорий йилда юртимизда МДХнинг кўплаб тадбирлари ўтказилди.

Хусусан, Тошкентда МДХ Ички ишлар вазирлари кенгаши, Самарқандда Туризм бўйича кенгаши йиғилишлари бўлиб ўтди.

Учрашувда 2020 йилда МДХга раислик Ўзбекистон Республикасига ўтиши тўғрисидаги қарор барча иштирокчилар томонидан қўллаб-қувватланди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги

1991 йил 8 декабрдаги МДХни тузиш тўғрисидаги битим асосида ташкил қилинган. Ижроия қўмита МДХнинг ижро этувчи, маъмурий ва мувофиқлаштирувчи идорасидир.

Қайд этиш керакки, мамлакатимиз Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга устувор аҳамият қаратмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг Сочи ва Душанбе шаҳарларида бўлиб ўтган мажлисларида иштироки якунлари бўйича «Йўл хариталари» тасдиқланган.

Шунингдек, сўнгги йилларда шартномавий-ҳуқуқий база ва МДХ доирасида мамлакатимиз ҳамкорлигининг ҳолати инвентаризация қилинганини алоҳида қайд этиш керак.

МДХ форматида Ўзбекистоннинг ташаббуслари ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг янада ўсиши, турли соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш, халқаро ва минтақавий транспорт йўлақларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалигида шерикликни фоллаштириш, саноат ва аграр тармоқларга рақамли технологияларни жорий этиш, минтақалараро ва трансчегаравий ҳамкорликни ривожлантириш, афғон муаммосини сиёсий йўл билан ҳал этиш ҳамда маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтиришни қамраб олади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги саммити кенг доирадаги музокаралар билан давом этди.

Давлат раҳбарлари минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган комплекс масалаларни муҳокама қилиб, томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикасининг 2020 йилда МДХга раислиги қўллаб-қувватлангани учун миннатдорлик билдириб, мамлакатимиз раислиги давомида ташкилот доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва самарадорлигини оширишга устувор аҳамият қаратилишини таъкидлади.

Ҳамдўстликни янада ривожлантириш концепцияси ва 2030 йилгача бўлган даврда иқтисодий ривожлантириш стратегиясини қабул қилишни жадаллаштириш тақлиф этилди.

Савдо-иқтисодий алоқаларни ривож-

лантириш, эркин савдо зонаси тўлиқ ишлашга таъминлаш, ишлаб чиқариш кооперациясини чуқурлаштириш ва учинчи мамлакатлар бозорини ўзлаштириш, аграр, энергетика ва телекоммуникациялар тармоқларидаги ҳамкорликни кенгайтириш, илмий, инновацион ва таълим дастурларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари ўн йилга мўлжалланган Транспорт ва транзит йўлақларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ва Худудлараро ҳамкорлик концепциясини ишлаб чиқиш муҳимлигини таъкидлади.

Келаси йили юртимизда биринчи МДХ худудлараро форуми бўлиб ўтади, шунингдек, МДХ савдо-саноат палаталари раҳбарлари кенгаши мажлисини ўтказиш, унинг доирасида Ҳамдўстликнинг ишбилармонлик ташаббуслари ҳафталигини ташкил этиш тақлифи билдирилди. Ахборот хавфсизлиги, маданий-гуманитар ҳамкорлик бўйича ҳам қатор тадбирлар режалаштирилган.

Музокаралар якунида ҳужжатлар имзоланди. 2020 йилда МДХга раислик Ўзбекистон Республикасига ўтиши тўғрисида қарор, Стратегик иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида декларация, Совет халқининг 1941-1945 йилларда Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан МДХга аъзо давлатлар раҳбарларининг Ҳамдўстлик мамлакатлари халқлари ва халқаро ҳамжамиятга мурожаати, 2020-2022 йилларда терроризм, экстремизм ва зўравонликнинг бошқа кўринишларига қарши курашиш бўйича ҳамкорлик дастури ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинди.

Саммит якунлари бўйича оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ўтказилган матбуот анжуманида МДХ Ижроия қўмитаси раиси – Ижрочи котиби Сергей Лебедев Туркменистоннинг ташкилотга раислиги даврида барча тадбирлар, жумладан, Ашхобод саммити юксак савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидлади. Саммитда МДХ давлат раҳбарлари томонидан 8 та муҳим ҳужжат имзолангани ҳақида маълумот берди. 2020 йилда МДХга раислик Ўзбекистонга ўтганини билдирди ва ушбу масъулиятни вазифини бажаришда муваффақиятлар тилади.

Шу билан МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг Ашхобод саммити ниҳоясига етди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**  
ЎЗА махсус муҳбири  
Тошкент – Ашхобод – Тошкент.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИ САММИТИДАГИ ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 14-15 октябрь кунлари Боку шаҳрида бўлиб ўтаётган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг (Туркий кенгаш) еттинчи саммитида иштирок этди.

Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия, Ўзбекистон, кузатувчи мамлакат сифатида иштирок этаётган Венгрия ҳамда Туркменистон делегациялари раҳбарлари Туркий кенгаш доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга қаратилган масалаларни муҳокама қилдилар.

Саммитда Туркий кенгашга аъзо давлатлар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикасининг тўла ҳуқуқли аъзо сифатида Ташкилотга қўшилиши тўғрисида Кўшма баёноти қабул қилинади. Учрашув якунида Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши еттинчи саммитининг декларацияси қабул қилиниши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Бокуга ташифи доирасида саммитда иштирок этаётган делегациялар раҳбарлари билан икки томонлама учрашувлар ўтказди.

ЎЗА



**«Ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб этиш механизмларини ва донорлар билан ишлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Президент фармони қабул қилинди.  
uza.uz

2019 йил 11 октябрь кунини Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Сенатининг йиғирма учинчи ялпи мажлиси иш бошлади. Унда муҳокамага қўйилган 19 та қонуннинг барчаси маъқулланди.  
— «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» (янги тахрирда);  
— «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (янги тахрирда);  
— «Валютани тартибга солиш тўғрисида» (янги тахрирда);  
— «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»;  
— «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»;  
— «Она сuti билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдақлар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар тўғрисида»;  
— «Меценатлик тўғрисида»;  
— «Мудофаа тўғрисида» (янги тахрирда);  
— «Кўп квартиралар уйлари бошқаруш тўғрисида»;  
— «Олий даражали «Дўстлик» орденини тасис этиш тўғрисида»;  
— «Ўзбекистон Республикаси ахборот-кутубхона тизими ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»;  
— «Кредиторларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш кучайтирилиши ҳамда тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»;  
— «Баъзи давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»;  
— «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида»;  
— «Чет эл фуқароларининг ва фуқаролари бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Респуб-

ликасида вақтинча бўлиш қоидаларини бузганлиги учун жавобгарлиги либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»;  
— «Божхона маъмуриятчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»;  
— «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»;  
— «Маданий ифодаларнинг турли хил шакллари муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги халқаро конвенцияни (Париж, 2005 йил 20 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»;  
— «Ўзбекистон Республикасининг биологик хилма-хиллик ҳақидаги Конвенциянинг биохавфсизлик бўйича Картахен протоколига қўшилиши (Монреаль, 2000 йил 29 январь) тўғрисида».  
kun.uz

Жорий йилнинг 10 октябрь кунини Марказий сайлов комиссиясининг Халқаро Матбуот марказида мамлакатда фаолият юритаётган сиёсий партиялар Сайлов кодексига Биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига тегишли ҳужжатлар ва сайловчиларнинг сиёсий партияни сайловларда иштирокини қўллаб-қувватловчи камда қирқ мингта имзоси бўлган имзо варақаларини тақдим этди.  
elections.uz

Шу йил 10 октябрь кунини Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев топшириғига биноан Ўзбекистоннинг айрим қонун ҳужжатларига 64 нафар беғуноҳ бола махсус авиарейсда Тошкент шаҳрига олиб келинди.  
uza.uz

**Нодирбек Ражапов** Жиззах вилояти ҳокимининг иқтисодий ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари этиб тайинланди.  
uza.uz

**Баҳром Зулфиқоров** Мудофаа вазирининг матбуот котиби – ахборот сиёсати бўйича маслаҳатчиси этиб тайинланди.  
**Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти**



**Мустафа ЕМЕК,**  
Туркия Республикаси Бурса шаҳри вақф бўлими мудирини:

Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига аъзо бўлгани нафақат Ўзбекистон, балки бошқа аъзо давлатлар учун ҳам ниҳоятда муҳим қарор бўлди. Таъбир жоиз бўлса, мушт тугилди – беш бармоқ бирлашди. Олдин кенгашга тўрт давлат – Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркия аъзо эди. Ўзбекистоннинг мазкур тузилмага аъзо бўлиши мамла-

кат учун савдо ва инвестициявий жиҳатдан қўлай шароит яратди. Таълим, сармоя, хизматлар ва технологияларнинг эркин ҳаракатланишига, банк амалиётидаги масалаларни енгиллаштиришга ёрдам беради.  
Тарихдан маълумки, азалдан тили, эътиқоди, турмуш тарзи яқин халқлар бир-бирига интилиб келган. Яхши-ёмон кунларда бир-бирини қўллаган, бир-бирига гамхўрлик қилган, бир-бирига суянч бўлган эллар дунё тамаддунида ўзларига хос ва мос ўринларни тезроқ эгаллаган.  
Бизнинг динимиз, тилимиз, маданиятимиз бир. Дилимиз ҳам, мақсадларимиз ҳам муштарак. Шу сабабли, Ўзбекистонга, ўзбекларга нисбатан ўзгача муҳаббат туяман. Ўзбекистонни ота юрт, ўзбек қардошларни қариндошларим, деб биламан. Ҳазал мулки-



нинг султони Мир Алишер Навоийнинг ғазалларини севиб ўқийман. Буюк ижодкорнинг асарлари Туркияда дарсликлардан муҳим ўрин олган. Унинг ижодидаги дўстлик тараннуми мени мафтун этди. Мен бугун Ўзбекистоннинг Туркий кенгашига аъзо бўлишида улуғ мутафаккирнинг ана шу ғояларини кўрмоқдаман.  
Имом ал-Бухорий, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд, Мирзо Бобур-

дан ғоят таъсирланганман. Имом Термизий, Ҳаким ат-Термизий меросига кўп мурожаат қиламан. Шу боис, уларни камолга етказган дийёрни кўргим келади.

Ҳар кунини Ўзбекистондан хушхабарлар эшитмоқдаман. Мамлакатда ҳаётбахш ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон барча жабҳаларда ҳамма учун очик мамлакатга айланди. Ушбу омил Ўзбекистоннинг жадаллик билан тўғри йўлдан кетаётгани, яқин йиллар ичида ривожланган мамлакатлар сафидан жой олишини таъминлаши шубҳасиз.

Бинобарин, Туркий тили давлатлар ҳамкорлик кенгаши Ўзбекистон учун ҳам умумманфаатлар эшигини очиб, азалий дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлайди, тараққиётнинг янги погоналарига чиқишига хизмат қилади.

Эътироф



Навоий вилояти

Таҳлил

## Ижтимоий ҳимоянинг муҳим омили

Навоий вилояти ҳокимлиги, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳамда Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси ўртасида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш бўйича 2017-2019 йилларга мўлжаллаб тузилган ҳудудий келишувга кўра, ҳамкор ташкилотлар вақти-вақти билан амалга оширилаётган ишларнинг натижасини таҳлил қилиб боришмоқда. Таҳлиллар натижасида меҳнатга яраша ҳақ тўлаш, ойлик маошларнинг ўз вақтида берилишини таъминлаш борасидаги муаммолар тезда бартараф этилаётгани қувонарли ҳол, албатта.

Хозирги кунда вилоятда иш берувчилар билан ижтимоий шериклик асосида фаолият кўрсатиш яхши йўлга қўйилган. Барча корхона, ташкилот ва муассасаларда жамоа шартномаларининг ижроси бўйича йиғилиш (конференция)лар ўтказилиб, уларда асосан иш берувчилар ва касаба уюшмалари раисларининг ҳисоботлари тингланади. Бундай қатъий тартиб-интизом жамоа шартномалари орқали ижтимоий ҳимоя чораларини қўллаш амалиётини тобора кенгайтирмоқда. Масалан, соғлиқни сақлаш тизимидаги муассасаларда, «Қизилқумцемент», «Навоийазот», «Навоий электр тармоқлари», «Навоий иссиқлик электр станцияси», «Навоий дон маҳсулотлари» каби корхоналарда жамоа шартномаларининг барча қоидаларига оғишмай амал қилинишини таъминламоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги «Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш бўйича вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ижтимоий соҳа ходимлари, яъни педагоглар, тиббиёт ходимлари, талабаларни мажбурий меҳнатга жалб қилишни қатъий чеклаш бўйича тушунтириш ишлари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг «Мажбурий меҳнат хавф-хатарларининг олдини олиш» бўйича тайёрланган услубий қўланмасидан келиб чиққан ҳолда барча давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларига тавсиялар бериб борилаётгани ўзининг ижобий самараларини кўрсатмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, вилоятда аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини янада кучайтириш, ходимлар ижтимоий масъулиятини ошириш, жамиятда тенглик, тотувлик ва барқарорликни сақлаб туриш каби масалалар вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари зиммасига алоҳида масъулият юклаш билан бирга барчани янада фаолроқ меҳнат қилишга чорламоқда.

**Олимжон БОБОМУРОДОВ,**  
Навоий вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси етакчи мутахассиси



Хоразм вилояти



## «Иzzат-у икромдан миннатдормиз»

«Устозлар – касаба уюшмалари эъзозидан» шиори остидаги тадбирлар минглаб ўқитувчи ва мураббийларга қувонч бағишлаб, уларга унутилмас хотиралар қолдирди. Айниқса, Тошкент вилоятилик 54 нафар фидойи муаллимнинг хурсандчилиги чексиз. Улар касб байрамлари ҳамда «Кексалар ҳафталиги» муносабати билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳомийлигида қадимий ва навқирон Хивага саёҳат қилди.

Ўз ҳаётини ёш авлод таълим-тарбиясига бағишлаган муаллимлар Урганч темир йўл вокзалида карнай-сурнай садолари остида кутиб олинди.

Хашаматли «Хоразм палас» меҳмонхонасидаги тушлиқдан сўнг «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» шиори битилган автобуслар бетакрор Хивага йўл олди.

Хивага саёҳат қилди. Лекин ҳеч қаерга чиқа олманман. Мана бугун чарчочқлар ювилиб кетди. Бизга юқори даража хизмат кўрсатишди. Урганчга келгунча, йўл-йўлакай мамлакатимиздаги бугунги янгиланишлар, ҳар бир инсон эътибор топаётгани, айниқса, устозлар алоҳида эъзозга лойиқ кўрилаётгани ҳақида сўхбатлашдик.

Ангренлик меҳнат фахрийлари Арзигул Йўлдошева ва Лазоқат Ҳажимова ушбу саёҳатни уюштирган касаба уюшмаларидан миннатдор эканликларини билдиришди.

Ичан қалъа билан танишув барчанинг кайфиятига кўтаринкилик, руҳиятига тетиклик бағишлади. Устозлар ҳар бир иморатни, улардаги нақшларни қизиқиш билан томоша қилдилар.

Бўстонлик туманидаги 18-умумтаълим мактабидан ўқитувчилик қилиб, ҳозирда кексалик гаштини сураётган Анорбек ота Мусаев ушбу саёҳат кутилмаган совға бўлганини айтиб, ушбу сафардан мамнунигини, буюк аждодларимиз қолдирган бой мерос билан танишиб, янгича куч-ғайрат ҳис қилганини айтди.

Мухаббат ТўРАБОЕВА,  
«ISHONCH»

### Халқаро ҳамкорлик



## Тажриба алмашинуви

Ўтган йилнинг ноябрь ойида Халқаро меҳнат ташкилоти меҳнаткашлар фаолияти бўйича бюросининг (ACTRAV) Европа ва Марказий Осиё сектори мудири Сергеюс Гловацкас ва Тожикистон мустақил касаба уюшмалари Федерацияси делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси ва Тожикистон Республикаси кон-металлургия ва геология саноати ходимлари касаба уюшмаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик Битими ҳам имзоланган эди.

Шу йилнинг 30 сентябрь – 2 октябрь кунлари Тожикистон делегацияси жавоб ташрифи билан мамлакатимизга ташриф буюрди. Сўғд вилояти касаба уюшма кўмитаси раиси Юнус Зиқиряев ва кўмитанинг ташкилий ишлар бўйича мутахассиси Моҳира Қаҳқорова тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгашида қабул қилинди. Учрашувда икки тараф касаба уюшмалари фаолиятига оид масалалар, шунингдек, турдош касаба уюшмаларининг иш таърибаси ҳақида фикр-мулоҳазалар алмашилди.

Мазкур Битим ижросини таъминлаш мақсадида Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнаткашлар фаолияти бўйича Бюроси ва Тожикистон мустақил касаба уюшмалари Федерацияси ҳамкорлигида 2019 йил 23-24 сентябрь кунлари Сўғд вилоятининг Хўжанд шаҳрида халқаро семинар ташкил қилинди.

Учрашув якунида Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси ва Тожикистон Республикаси кон-металлургия саноати ходимлари Сўғд вилояти касаба уюшма кўмитаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида Келишув имзоланди.

**Шодия АЮПОВА,**  
Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бош мутахассиси

### Ортимиз сийқатгоҳларида

## «Қарши» сизга манзурми?

Шу йилнинг июнь ойида Қарши шаҳрида кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар учун санаторий иш бошлаган эди. Ўтган тўрт ойда санаторийда 625 нафар фуқаро дам олди. Уларнинг 210 нафари Бухоро, Сурхондарё, Самарқанд вилоятларидан келган.

Санаторийимиз кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда ногиронларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган бўлиб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббий масалалар агентлигига қарашли, дейди сийқатгоҳ бош шифокори Шавкат Мамадиев.

Иўлланмалар агентлигининг жойлардаги бўлимларида навбат билан берилади. Асосан таянч-ҳаракат тизими касалликлари, асаб, юрак-қон томир хасталиклари бўйича муолажалар бажарилади. Бўлимларимиз малакали мутахассислар билан таъминланган бўлиб, энг асосий мақсадимиз дам олувчиларнинг саломатлиги тикланишига ҳисса қўшишдан иборат.

Акмал АБДИЕВ,  
«ISHONCH»

## Ҳафталикдаги хайрли ишлар

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши «Кексалар ҳафталиги» ташаббуси доирасида бир қатор самарали ишларни амалга оширди.



Жумладан, пенсия ёшидаги шахсларга пенсияга чиқиб-шидан олдин бир йўла моддий ёрдам бериш ва уларни қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаш мақсадида 47 та корхонада 48 нафар ходимга 9800000 сўм миқдорда моддий ёрдам ажратилди. Бундан ташқари, юбилей саналари муносабати билан 35 та корхонадаги 32 нафар ходимга қимматбаҳо совғалар топширилди. Қолаверса, ўз вақтида корхона ривожига ҳисса қўшган ва айни пайтда кексалик гаштини сураётган 106 та корхонанинг 180 нафар собиқ ходимига моддий ёрдам берилди. Хусусан, 36 та корхонанинг 42 нафар собиқ ходими, яъни ногиронлиги бўлган ва ўзгалар парваршига муҳтож кишиларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Яна шуни қўшимча қилиш ўринлики, касаба уюшмаси тизимида кекса авлод вакилларига моддий ёрдам кўрсатиш, уларнинг вақтларини мазмунли ўтказиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби турли чора-тадбирлар бир-

гина «Кексалар ҳафталиги» шиори доирасида эмас, балки йил давомида амалга оширилади.

**Муножот НОРОВА,**  
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши раиси

Фарғона вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашига Фарғона шаҳар болалар шифохонаси ходими Авазбек Умаров ишга тикланиш масаласида ёрдам сўраб, мурожаат қилди.

Касаба уюшмаси аралашгач...

## Иш берувчи буйруғини бекор қилди

Маълум бўлишича, А.Умаров 2018 йил 29 мартда шаҳар болалар шифохонасига врач лаборанти лавозимда иш бошлаган. Иш берувчининг 2019 йил 21 августдаги буйруғи билан у билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 4-бандига асосан ички меҳнат тартиб қоида-сини бузгани учун бекор қилинган.

Бирлашма ҳуқуқшунослари иш берувчига мазкур буйруқ Меҳнат кодексининг 101-, 102-моддаси талабларига зид равишда чиқарилганини тушунтирди. Натижада ходим ва иш берувчи ўртасида ўзаро келишувга эришилди. Меҳнат кодексининг 111-моддасига асосан иш берувчининг буйруғи бекор қилиниб, А.Умаров ўз лавозимига ишга тикланди. Бундан ташқари, ходимнинг мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақи ҳам тўлаб бериладиган бўлди.

**Авазбек ТўРАХЎЖАЕВ,**  
Фарғона вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юристконсулти

«Ishonch»га жавоб берадилар

«Ishonch»га жавоб берадилар. Бу ҳақда мухбиримизнинг махфий маълумоти...

ЧИРОҚ ТУТГАН САЙЁҲЛАР
ёхуд бир кўчанинг «таърифи»
Ушбу мақолада, мухбиримизнинг махфий маълумоти...

Кўча энди ёруғ

Газетанинг шу йил 17 сентябрдаги сонидан чоп этилган «Чироқ тутган сайёҳлар ёхуд бир кўчанинг таърифи» сарлавҳали танқидий мақолага Бухоро вилояти Туризмни ривожлантириш департаменти қуйидагича жавоб йўллади:

Бухоро шаҳридаги Коқулай Калон кўчасида жойлашган оилавий меҳмон уйига олиб борувчи йўлда ёритиш чироқлари ўрнатилди. Бухоро вилоятидаги барча ички кўча йўллари манзилли давлат дастурига киритилган бўлиб, улар белгиланган режа асосида келгусида боسقичма-боسقич таъмирланади.

Тошкент шаҳри Сайёр қабул

Карта пенсионер истагига кўра очилади



Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Тошкент шаҳар бошқармаси Чилонзор туманида сайёр қабул ўтказди.

Унда «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунга киритилган қўшимча ва ўзгаришлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Фуқаролар, махалла вакиллари, корхона ва ташкилотлар ходимлари иштирок этган сайёр қабулда пенсия тарқатишдаги айрим муаммолар ҳам муҳокама этилди.

Тадбир давомида «Халқ банки»нинг пенсия карталари қўлайликлари кўпчиликтида катта қизиқиш уйғотди. Айни пайтда Ягона умумреспублика процессинг маркази ва «Халқ банки» пенсия карталаридан фойдаланишга доир янги имкониятларни жорий этган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, «Халқ банки» картаси пенсионер истагига кўра очилади. Унинг эгаси бошқа турдаги карталар билан солиштирилганда бир қатор афзалликларга эга бўлади. Яъни, карточка бепул очилади, пенсия белгиланган муддатда автоматик равишда туширилади, «Халқ банкига» қарашли банкوماتлар ва кассалар орқали пул маблағларини нақдлаштиришда воситачилик ҳақи ундирилмайди. Қолаверса, пенсия картасида энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдоридан овердрафт амал қилади. Бунда қарз олувчи миқдор ҳисоборақамида етарлича маблағ бўлмаган ҳолатда банк томонидан шу миқдорда кредит ажратилади. Пенсия келиб тушишидан олдин ҳар ой ундан фойдаланиш мумкин.

Сайёр қабулда пенсия олувчилар жуда фаол иштирок этди, дейди Тошкент шаҳар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Чилонзор тумани бўлими раҳбари Гулнора Муродова. Пенсия ва нафақаларнинг миқдори, соҳага доир қарорларни яхши тушуниб етмаслиги, шунингдек, сиҳаттоҳларда дам олиш тартиб-қоидалари ҳақидаги кўплаб саволларга жавоб берилгани баробарида келгусида амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Комила БОЙМУРОВА, «ISHONCH»

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ

босқичма-боسقич ошиб бориши шаклида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:
1. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Қипчоқ» ҚФЙ, «Олмазор» МФЙ, Янги замон кўчаси, 223-уй манзилида жойлашган 3,0 га. ер майдонида жойлашган «Мевали боғ».
Бошланғич баҳоси – 240 397 800 сўм.
2. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Қипчоқ» ҚФЙ, «Олмазор» МФЙ, Янги замон кўчаси манзилида жойлашган 4,10 га, шундан 4,0 га. ер майдонида жойлашган «Енгил типдаги иссиқхона мажмуаси».
Бошланғич баҳоси – 64 472 060 сўм.
Очиқ аукцион савдолари 2019 йил 11 ноябрь кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Авлиё ота кўчаси, 13-уйда бўлиб ўтади.
Талабгорлардан буюртманомалар қабул қилиш эълон чиққан кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 9:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади.
Мазкур объектлар 11 ноябрь кунини сўнг қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2019 йил 25 ноябрь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади ва такрорий савдолар учун буюртманомалар қабул қилиш савдодан бир кун олдин соат 16:00 да тўхтатилади.
Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар «Закалат пули тўғрисидаги қелишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖнинг ҳисоб-рақамига (банк: «Ипак йўли» АИТБ Тошкент шаҳар Миробод филиали, х/р: 20208000804876496001, МФО: 01101, СТИР: 301 743 808) тўлашлари лозим.
Ризолторлик хизматларининг миллий стандарти (2-сон РХМС)га асосан талабгорларга кўчмас мулк бозоридида ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатилади ҳамда ризолторлик хизматларини кўрсатиш бўйича шартномалар тўзатилади.
Очиқ аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак:
- юридик шахслар учун - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномаининг нусخаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома;
- jisмоний шахслар учун - паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома.
Мазкур ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб, жамиятнинг расмий иш кунларида соат 9:00 дан 16:00 гача Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Авлиё ота кўчаси, 13-уйда қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 16:00 да тўхтатилади.
Қўшимча маълумотларни www.realto.org.uz ёки 170-78-13 телефон рақами орқали олиш мумкин.
Хизматлар лицензияланган.



ИШТИЁҚ ЗҲР, АММО...
ёхуд Хоразмда чемпионлар нега кам?

Хоразм вилоятидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида кўплаб истеъдодли болалар тарбияланмоқда. Улар орасида республика, Осиё ва Жаҳон чемпионлари бор. Бироқ спорт билан шўғулланиш иштиёқидаги ҳамма болалар ҳам орзуларини рўёбга чиқаришга қодир эмас. Кимнингдир ота-онаси бунга қарши бўлса, бошқасининг уйи узоқда, яна бировига йўл харажатлари оғирлик қилади... Боз устига, спорт мактабларидаги шароит ҳам қониқарли эмас.

Хонқа туманидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 1592 нафар ўқувчи спорт билан шўғулланмоқда. Жорий йилда спортнинг дзю-до, каратэ, кураш, футбол, бадминтон, ўзбек жанг санъати, баскетбол, таэквандо, енгил атлетика турлари бўйича 225 нафар ёш спортчи вилоят ва республика биринчиликларида иштирок этди. Уларнинг 128 нафари вилоят, 14 нафари республика, 7 нафари эса Осиё мусобақаларида ғолиб ва совриндор бўлди. Булар эътирофга сазовор ютуқлар, албатта. Бироқ айрим машғулотлар умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежларининг спорт базаларида ўтказилаётгани ҳам айни ҳақиқат. Айниқса, машғулотдан кейин ювенил иш учун шароитнинг йўқлиги болаларга ноқулайлик туғдирмоқда.

Янгибозор туманидаги спорт мактабига сунъий қопламали футбол майдончаси керак. Ҳозирги пайтда футбол машғулоти ёзда чангли, қиш мавсумида лоили майдонда ўтказилмоқда. Бу муаммо бошқа туманлардаги спорт мактабларига ҳам бегона эмас. Ота-оналар бадий гимнастика, бокс, таэквандо каби спорт тўғрисидаги очишни илтимос қилишмоқда. Аммо ҳозирча бунга имкон йўқ. 171 та ўринга мўлжалланган мактаб ва унинг 147 нафар болага мослаштирилган филиалида 953 нафар ўғил-қизлар спортнинг 13 тури билан шўғулланаётганининг ўзи катта ютуқ. Чунки 1192 нафар бола қатнаётган Хива тумани спорт мактаби ўз биносига эга эмас. Шу боис, бу ерда бошқа мавзуда фикр юритиш ҳозирча ортиқча...

Питнак шаҳридаги 2-спорт мактаби 2016 йилда 34 турдаги спорт жиҳозлари билан таъминланган. Ҳозирги кунда уларнинг аксарияти яроқсиз аҳволда. Бу ерда 25х12 ўлчамли ёпиқ сузиш ҳавзаси мавжуд бўлиб, қиш ойларида унинг сувини талаб даражасида иситиш имкони йўқ. Унинг филиали бўлган «Тупроққалъа» мавзесидаги спорт мажмуаси 100 километр узоқликда жойлашган. Бу эса кўплаб қийинчиликларга сабаб бўлмоқда. Бошқа туманлардаги спорт мактабларида ҳам муаммолар етарли. Айрим туманларда чекка қишлоқ болалари учун машғулотлар мактабларда ўтказилади. Уларда эса машғулотлардан сўнг ювенил имкони йўқ. Умумтаълим мактабларининг спорт заллари қошида ювенил хоналари қуриш ёки ҳар

бир қишлоқда барча шароитларга эга бўлган спорт мактаблари филиалини ташкил қилишга катта эҳтиёж бор. Қолаверса, спорт анжомлари, футбол, волейбол ва баскетбол тўплари, теннис, катта теннис ва бадминтон шарчалари таъминоти кўнгилдагидек эмас. Куз-қиш мавсумида иситиш тизимида рўй берадиган узилтишлар ҳам спорт мактабларининг самарали фаолият кўрсатишига тўсиқ бўлмоқда. Малакали мураббийлар, спорт шифокорларини тарбиялаш ва уларни соҳага жалб этиш ишлари ҳам қониқарли эмас. Бундан ташқари, на мусобақа ташкилотчилари, на Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, на спорт мактаби ёки Болалар спорт мусобақа жамғармаси иштирокчининг сифат харажатларини қоплаб бермайди. Мураббий ўз ҳисобидан олиб боради деса, маоши етмайди. Устига устак, спорт мактаби номидан чиққан бола чемпион бўлса, устозига тўланадиган устама билан чемпион етиштирган Олимпия захиралари коллежлари мураббийларига тўланадиган устама ўртасидаги фарқ катта. Ваҳоланки, ҳамма спортчилар битта майдонда курашади. Уларни бу майдонга олиб чиқиш учун спорт мактаби мураббийи ҳам, Олимпия захиралари коллежи мураббийи ҳам бирдай тер тўкиб, меҳнат қилади. Мана шу номуносиблик ҳам қанчалоб истеъдоднинг юзага чиқмаслигига сабаб бўлмаяптими?

Аслида, аҳволни янада яхшилаш имкониятлари кўп. Хоразм вилоятидаги ўртағиёна спорт мактабларининг фаолиятини жонлантириш учун мутасаддиларнинг эътибори ва моддий кўмаги зарур. Ана шунда спортсевар болаларнинг кўзлариди иштиёқ сўнмайди ва янги чемпионлар етишиб чиқади.

Мухаббат ТЎРАБОВА, «ISHONCH»



ЭЪЛОНЛАР

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди бўш иш ўринларига таклиф этади!

Ҳозирги кунда фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судларида:
- шаҳар судининг 3 нафар судьялик;
- Мирзо Улугбек туманлараро судининг 2 нафар судьялик;
- Учтепа туманлараро судининг 3 нафар судьялик;
- Миробод туманлараро судининг раиси ва 2 нафар судьялик;
- Шайхонтохур туманлараро судининг раиси ва 1 нафар судьялик;
- Яккасарой туманлараро судининг раиси лавозимлари бўш (вакант) жойлари мавжуд.
«Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддасида судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захираси зарур билимга эга бўлган, етарли ҳаётий тажрибага, бунёқсон обуриятини эга юқори малакали юристлар орасидан ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик ихтисослиги бўйича камида беш йиллик иш стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳисобига шакллантирилиши белгиланган.
Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Буюк ипак йўли кўчаси, 246-уй. Тел: (371) 207-02-31.

Тақдимот

Асримиз ва насримиз умидлари

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига қарашли боғда Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан 10 нафар ёш ижодкорнинг «Асримиз умидлари» туркуми остида чоп этилган насрий китоблари тақдимоти бўлиб ўтди.



Таниқли ёзувчилар, шоирлар, адабиётшунос олимлар мамлакатимизда бугунги кунда адабиётга катта эътибор қаратилаётгани, ижод аҳли, айниқса, ёш ижодкорларга катта имкониятлар яратиб берилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтишди. Янги чоп этилган китобларда инсонийлик, ватанпарварлик каби долзарб мавзуларнинг бадий бўёқларда маҳорат билан қаламга олингани эътироф этилди. Нашриёт мутасаддилари ушбу лойиҳа бардавом бўлишини, бошқа жанрларда қалам тебратётган ёшларнинг ижод намуналарини чоп этиш бўйича қимматли фикрларини изҳор этишди.
Ушбу ижодкорлар сифида ҳамкасбимиз Салим Абдурахмоновнинг ҳам борлиги тахририятимиз жамоасини беҳад қувонтирди. Китоблари дунё юзини кўрган барча ижодкорлар, улар қаторида Салим Абдурахмоновга ҳам ижодий парвозлар тилаймиз.

Тахририят

Китоб жавонингизга

Бугунги кунда адабиётимиз бўсағасида бўйлаб турган навқирон ижодкорларнинг илк машқларини қузатар эканман, улар орасида тийра нигоҳ эгалари борлигини кўриб қувондим. Улардан бири Салим Абдурахмоновдир.

Адабиёт оламига йўл

Салимнинг қатор ҳикоялари турли нашрларда чоп этилган. Адабий жамоатчилик, устозлар ўзларининг илиқ фикрларини билдирган. Мен ёш носир укамизнинг ҳикоялари билан танишиб, уларда ўзига хос қирраларни учратдим.



Салим Абдурахмонов Нурота тоғ тизмаларида туғилиб-ўсган. Шу боисдан бўлса керак, у ўз ҳикояларида асосан тоғ, дашт-у даладарда истиқомат қиладиган одамларнинг турмуш тарзи, кўнглини, турфа феъл-атворларини тасвирлайди. Унинг ҳар бир сатрида туғилиб ўсган тупроққа муҳаббат, эҳтиром силқиб туради.

«Асримиз умидлари» туркуми остида чоп этилган «Халқимиз асраганим» номли илк китобини ўқиб эканман, бунга яна бир бор амин бўлдим. Бу ҳолни, жумладан, тўпламдан ўрин олган «Қадр», «Бойчечак», «Қайтиш» сингари ҳикояларда кузатишимиз мумкин. Муаллиф қаҳрамонлари қалби, гурури, орзу-умидлари, хаёллари Қоратов чўққиларидай сарбанд мардлик, тантилик, шу боробарида, қайсарлик, соддалик, хийлагина жоҳиллик уларнинг қон-қонига синиб кетган. Бирор ишга қўл уриш давомида фойда-зиёндан кўра ўз шаъни, ор-номусини кўпроқ уйлашади. Бировлар олдида юзи ерга қарашни, калака бўлишни асло истамайди. «Тоғ одами» ҳикоясида худди шундай тоифадаги образлардан бирига дуч келамиз.

«Ўзи қуёшдан қорайган, елкалари кенг, гавдаси бесўнақай бўлса-да элчил, пешонасини рўмол билан чандиб, устидан қишин-ёзин телпақ кийиб юрадиган» Қодир чўпон сурувга қирон солиб юрган бўрига қасдлашиб қолади. Баъзи бир ҳамқишлоқларига ҳам «шу жондорнинг тинчитаман» деб сўз бериб қўйган. Изгирин эсиб, қор ёға бошлаган бўлса-да, қишлоққа қўчиб кетмай, ўз ваъдасининг устидан чиқиш учун тоғда бўрини пойлайди. Кенжа ўғил Сардор отасининг қайсарлигидан норози. Қодир чўпон азал-азалдан, ёшлик чоғлариданоқ ўжар, чўртқасор, бир сўзлиги билан ном қозongan.

Сардор «Бўри» деган ҳаёда отасига беихтиёр ўқ узиб бўлишини, бошқа жанрларда қалам тебратётган ёшларнинг ижод намуналарини чоп этиш бўйича қимматли фикрларини изҳор этишди.
Ушбу ижодкорлар сифида ҳамкасбимиз Салим Абдурахмоновнинг ҳам борлиги тахририятимиз жамоасини беҳад қувонтирди. Китоблари дунё юзини кўрган барча ижодкорлар, улар қаторида Салим Абдурахмоновга ҳам ижодий парвозлар тилаймиз.

Тахририят

Салим Абдурахмонов ўзига талабчан, камтарин ижодкор. Саёзликдан, жўнликдан қочади. Ҳар бир сатрини қиёмга етказиб пишитишга ҳаракат қилади. Худди шундай фазилатлар уни адабиётнинг улкан оламига олиб кирмоқда. Бу оламда у ўзининг муносиб ўрнини эгаллашига ишонамиз.

Луқмон БЎРИХОН

Тарихимсан, тақдиримсан, келажагимсан, она тилим!

# Миллат – тил билан тирик

шиллар ҳам ичларида хушламайдилар. Ўз тилига, ўз миллатига вафо қилмаган одам ўзгага вафо қилади?

Оғир дамда сотади. Сотқинни гўр тузатади. Агар тилфуруш, миллатфуруш, динфуруш ўлса, уни ёт қон кўймайди. Оқибат, хоинга ўз миллати ярайди.

Буни мен амалда кўриб келяпман. Бироқ сотқинларни кечирмаслик керак! Тилни бой бериш – миллатни бой беришдай гап.

Бу борада Русдан, Инглиздан, Олмондан, Япондан ибрат олайлик. Уларда фақат ва фақат ўз тилларида ўқитилади.

Бизнинг улардан кам еришимиз борми?

Бор дегувчи сотқинлар ҳам бор.

Бундай манқуртларни кечирма элим!

Асло кечирма!!! Шундайлар сабабли узоқ йиллар ўзбекнинг бири-икки бўлмади.

Шундайлар туфайли ўзбек тили ривожланмади.

Ким ўзбек тилига қарши борса, тўғридан-тўғри уни миллат душмани, Ватан хоини сифатида жазолаш керак!!!

Бугун рус тилини ҳам ўрганиш керак. Аммо Ал Хоразмий, Ал Беруний, Ал Фаробий, Ибн Синолар...

Ўрис тилида ўқишганми? Ўз тилини, ўз миллатини ерга урган кишини жазолаш лозим!!!

Ҳеч ким ҳеч бир тилни, ҳеч бир миллатни камситишга ҳақи йўқ!

Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Андижон, Наманган... қисқаси, ўзбек шаҳарлари ажнабий атамаларга тўлиб кетди. Ҳамма кўриб турган нарсасига мисол шарт эмас!

Ўзбекистонда ўзбекча атама анқонинг уруғи эмас.

Бунинг учун туман, шаҳар ҳокимлари жавоб бериши керак!!!

Миллатсевар, Ватансевар, Тилсевар, билим доиралари кенг ҳокимлар ўзбекча кўп.

Юксак ваколатга эга «ЎЗ-БЕК ТИЛИ КЕНГАШИ» ни ташкил этиш лозим. Имкон даражасида биронта атама ҳам ёт тилда бўлмаслиги керак.

Ёт атамаларни КЕНГАШ юз фоиз ўзбеклаштириши лозим.

КЕНГАШнинг ҳар шаҳар, ҳар туманда ўз бўлимлари (шаҳар, туманнинг четлашган қараб, бир ёки икки кишидан иборат вакили бўлиши керак. Ҳар бир ном, атама уларнинг ва сўнг БОШ КЕНГАШнинг кўригидан ўтиши шарт.


КЕНГАШга шундай ваколат бериш керакки, миллати, ирки, динидан қатъи назар, ўзбекча ўқиш, ёзишни билмасга, уни ишдан четлатсин! Худди Рус давлати мисол. Ҳамма давлат иши фақат ва фақат ўзбек тилида юритилиши шарт!

Йўқса, ўзбек тили ривожланмайди.

Ўзбек давлати – Рус, Инглиз, Хитой давлатлари каби давлатдир. Ўзини улардан паст олиш – давлат қамолига қарши қаршидир.

Миллат – тил билан тирик.

Манба: uza.uz



ШУХРАТ  
Ўзбекистон  
халқ ёзувчиси

## Ёшликка ёшликнинг ўз кўрки лойиқ

Сен соқол кўйибсан, чиройли соқол,  
У сенга бирмунча ярашибди ҳам.  
Ўзингча кашф этиб ўзга бир олам,  
Ўзингча юрибсан мағрур ва хушқол.

Мен сенга термилиб қоламан ҳайрон,  
Наҳотки, ёшликдан безибди, дейман.  
Наҳотки, бемаҳал совиб қайноқ қон,  
Қалбида кексалик сезибди, дейман.

Биламан, болалар болалигида  
Тез катта бўлмоқни қилади ҳавас.  
Сен ахир йигит-ку, чўнг билагида  
Ёшликнинг виқори ёнган басма-бас.

Наҳотки, ёшликдан шунча тез тўйдинг,  
Наҳотки, тафтига беролмадинг дош.  
Наҳотки, ўтида бемаҳал куйдинг,  
Ҳижронга отдими бирор қаламқош?!

Ё сени ёшликнинг азимкор қўли  
Бир синиқ сополдай улоқтирдими?  
Ё сени босқини гўмроҳлик селди,  
Алдамчи ҳаёллар йўлдан урдими?

Кексалик хилватин ё тинчроқ билиб,  
Бошпана қидириб қолдингми, қочоқ?  
Бегона мавсумдан ўлжа қидириб,  
Бегона завқларга очдингми, қучоқ?

Кишилар ёш ўтиб, сипо тортганда  
Соқолни ўзига кўради раво.  
Нега сен ёшликни қилиб бот канда,  
Дардинга изладинг соқолдан даво?!

Ё тентак ҳавасми, ё бебош қилиқ?  
Шундайми? У ҳолда соқолни қирдир.  
Ёшликка ёшликнинг ўз кўрки лойиқ.  
Ёшликда ёшликнинг гавҳарин қидир!

Ҳар ёшинг ўз гашти, ўз жамоли бор.  
Бегона завқ-шавқни қилма ихтиёр!

1972 йил

### ЭЪЛОНЛАР

Янгийўл шаҳридаги 5-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1995 йил 20 июнда Паксоткина Елена Сергеевна номига берилган №066756 рақамли 9-синфи тамомлагани тўғрисидаги шаходатнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Янгийўл туманидаги «QO'SH YOG' OCH OLTIN FAYZI» оилавий корхонаси устав жамғармасини 195 812 090 (бир юз тўқсон беш миллион саккиз юз ўн икки миң тўқсон) сўмдан 123 288 159 (бир юз йигирма уч миллион икки юз саксон саккиз миң бир юз эллик тўққиз) сўмга қамайтираётгани маълум қилади.

Агроекономика мажмуи ходимлари касба уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши жамоаси «Намангандон-маҳсулотлари» АЖ касба уюшма кўмитаси раиси Эркинжон Қаҳҳоровга отаси Салоҳиддин Қаҳҳоровнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

## Саводни текширувчи тизимга эҳтиёж бор



вини ўтказиш ҳақидаги банд ёзма нутқнинг фикрни ривожлантиришдаги аҳамиятини оширишга хизмат қилиши баробарида ёзма нутқ кўникмаларини ҳосил қилишга, нутқий компетенцияни шакллантиришга даъват қилади.

Ўзбек тилининг тақомили, маълум маънода, оммавий саводхонлик билан боғлиқ. Ёзма нутқни ривожлантиришга мунтазам равишда эътибор қаратиш зарур. Умумтаълим, олий таълим босқичи учун мўлжалланган «Ҳозирги ўзбек адабий тили» дарсликларининг орфографияга оид қисмларида ёзилиши муаммо бўлган сўзларнинг тўғри ифодасини келтириш имло қоидаларини ўзлаштиришга, саводхонлик даражасини оширишга хизмат қилади. Талаба, ўқувчиларда имло луғатларидан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, тилшуносликка оид дарсларда имло луғатларига мунтазам равишда мурожаат қилиш имло қоидалари билан боғлиқ муаммоларни бартараф қилишга ёрдам беради. Ўзбек тили таълимида замонавий методлардан фойдаланиш, янги педтехнологияларни қўллаш асосида имло қоидаларига қатъий амал қилиш ҳам муҳим масалалардан биридир.

Дунё миқёсида айрим тиллар истеъмолдан чиқиб бормоқда, она тилини асрашдек глобал муаммо юзага келяпти. Асрлар буйи сайқаланган миллий-маданий қадриятларимиз, анъаналаримиз қаторида она тилимизни ҳам бор кўрк-у таровати билан авлодларга етказишга масъуллик бор.

Бу борада аждодлардан ибрат олишимиз, дунёнинг ривожланган мамлакатлари ютуқларидан унумли фойдаланишимиз керак. Аввало, кўчалардаги реклама ва эълонлар матнини талаб даражасида тўғри ёзишимиз даркор. Номлашда давлат тили имкониятларини намоён қилувчи туркий сўзлар ёки баъзи ҳолларда, халқимиз маънавиятига сингиб кетган ўзлашмаларни ҳам танлаш мақсадга мувофиқ. Худди шу маънода қадимий, муتمоз манбалар орқали ҳозирга қадар етиб келган айрим туркий сўзларни тиклаш, оммалаштириш лозим. Номларни назорат қилувчи атамалар кўмитасини тузиш ушбу масалаларнинг ечимини топишда аҳамиятлидир. Номлар, реклама ва эълонлар матнининг мазкур уюшма назоратидан ўтишини йўлга қўйиш керак.


Имло қоидаларига риоя этиш доимий равишда назорат қилиниши лозим. Йўл қўйилган имло

хатолари учун маъмурий жавобгарлик белгилаш, реклама, эълонлар матни, маҳсулот ёрликлари имлосини назорат қилиш зарур. Умумтаълим жараёнида саводхонликка, она тили ва адабиёт таълимига, тилдан фойдаланиш кўникма, малакаларини ҳосил қилишга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ўзбек тилини ўқитиш тизимини миллий педагогика ва хориж тажрибаси асосида янгилаш, замон талабларига мос адабиётлар синфини яратиш, инновацион технологияларни қўллаш долзарб масалалар сирасига кирди.

Ўқувчиларда лингвистик, нутқий, касбий, коммуникация, ахборотни қабул қилиш, ўзгани ривожлантириш, прагматик компетенцияларни шакллантириш жуда муҳим. Ўзбек тилида билимларни баҳолаш, автоматик таҳрир, таржима, тил ўргатиш дастурларини яратиш устувор вазифалардан биридир. Давлат тилида турли босқичлар ва даражалардаги синовларни жорий этиш, ишга қабул қилишда давлат тилини билиш, саводхонлик даражасини текширувчи тизимни ишлаб чиқиш ҳаётий эҳтиёжга айланади.

Зулхумор ХОЛМАНОВА,  
филология фанлари доктори,  
профессор

Отажон Худойшукуров таваллудининг 75 йиллиги олдида



## Ҳамзатовни ҳайратга солган ҳофиз

Машҳур ҳофиз, ноёб истеъдод соҳиби, камтарин ва меҳридарё инсон Отажон Худойшукуров ўзининг қисқа, аммо сермазмун ҳаёти давомида ҳар бир санъаткор учун ибрат бўлгучлик мактаб яратиб кетди.

Қай бир йили Доғистонга, қардрон дўстим Расул Ҳамзатовнинг уйига борганимда, у Отажон Худойшукуровни сўраб қолди. – деган эди Ўзбекистон Қаҳрамони Ибройим Юсупов ҳаётлигида. – Дастлаб бир сония ҳайратга тушдим. Кейин ичимда ифтихор туйдим. Яхши кўшиқ масофа танламас экан.

Айни вақтда Тўрткўл туманида Отажон Худойшукуровнинг таваллуд санасини кенг нишонлаш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Тўрткўл туманида жойлашган Отажон Худойшукуров номидаги маданият саройи биносини тўлиқ таъмирдан чиқарилаётир.

Мазкур маданият саройи ёнида аҳоли дам олиш ва кўнгулчор тадбирлар ўтказиш учун яшил майдон (аллея) барпо этилиб, ҳофиз яшаган уй, уй-музейи, у дафн этилган қабристон ҳудуди ободонлаштирилмоқда.

Ҳофиз ижодига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказиш, видеофильм яратиш, фотокўргазма ташкил этиш, маданият саройи олдида монументал ёдгорлик ўрнатиш, санъаткор яратган ҳамда ижро этган куй ва кўшиқлар фонотекасини ташкил этиш, «Ёш хонандалар» танловини ўтказиш каби тадбирларга тараддуд авжида.

Бир сўз билан айтганда, дарёдек тошиб ва жўшиб куйлаб ўтган оташнафас ҳофиз мероси санъатсевар халқимиз ардоғида.

Бормад ДУРДИЕВ,  
Тўрткўл тумани маданият бўлими бошлиғи



Эврил ТУРОН

Тилимизни ўз бошимиздек, ўз кўзимиздек, ўз жонимиздек асрайлик.

Миллатимиз – тилимиз билан тирик.

Ким ўз тилини севмаса, ким ўз тилидан ийманса, ким ўз тилини менсимаса, ундайлар нима, чиқиндилар нима?

Ундайлар нима, манқуртлар нима?

Ундайларни яккалаб, ажратиб кўй, элим!

Ўз миллатини, ўз тилини севмаган одам, билки, ўз Ватанини ҳам, ўз халқини ҳам, ўз тарихини ҳам, ўз урф-одатини ҳам, ўз даҳолари: Маҳмуд Қошғарли, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур, Чўлпон, Фитрат, Қодирийларни ҳам севмайди.

Тилфурушларни ёт тил кил

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори тилимиз мактебини янада мустақамлаш, юртимиз ҳудудида, қолаверса, жаҳон майдонидаги нуфузини оширишга хизмат қилади. У яна ўзбек тили тараққиётини таъминлашга қаратилган муҳим ҳужжат сифатида эътиборга моликдир.

Қарорда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг она тилимиз тарихий илдизларини чуқур ўрганиш, уни илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш ва қўлланиш доирасини кенгайтириш, филолог кадрлар тайёрлашга оид вазифаларни бажаришдаги аҳамиятини ўрни алоҳида таъкидланган.

Ўтган йиллар мобайнида университетда давлат тили мактебини мустақамлаш, «Давлат тили ҳақида»ги қонун талабларини амалиётга татбиқ қилишга доир бир қатор ишлар амалга оширилди. Ўзбек тили таълимининг хориж тажрибаси асосида замонавий методикаси асослари ишлаб чиқилди. Ўзбек тилининг функционал доирасини кенгайтиришга хизмат қилмаган компьютер лингвистикаси, хусусан, автоматик таржима, автоматик таҳрир дастурлари учун маълумотлар базаси яратилди, электрон дарсликлар, мультимедиа иловалари ишлаб чиқилди. Ўзбек тилини ривожлантириш, ўзбек тилидаги нодир манбаларни, миллий маданий меросимизни дунёга янада кенгроқ ёйиш мақсадида миллий таржима мактаблари шакллантирилди, халқаро ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Ҳамкорликда магистратура мутахассисликлари ташкил этилди.

Қарорда белгиланган умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўзбек тилига бағишланган иншолар танло-

### МУАССИС:



2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир  
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69  
Хўқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89  
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79  
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43  
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишигиз мумкин.

### Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,  
Бухоро кўчаси, 24-уй.  
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz  
Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.  
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.  
«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.  
Баҳоли келишилган нархда.

### Тахририят ҳисобрақами:

2021 0000 0004 3052 7001,  
АТИБ «Iprotex» banki Яшнобод филиали,  
банк коди: 00959, СТПР: 201133889, ОКЗД: 58130

### Ҳудудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22  
Андижон – (+998-99) 889-90-23  
Бухоро – (+998-99) 889-90-31  
Жиззах – (+998-99) 889-90-34  
Наманган – (+998-99) 889-98-02  
Навоий – (+998-99) 889-90-28  
Тошкент – (+998-99) 889-90-25  
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26  
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55  
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32  
Фарғона – (+998-99) 889-90-24  
Хоразм – (+998-99) 889-98-01  
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.

### Навбатчи муҳаррир:

Х. Нобрбоев  
Мусаҳҳиҳ:  
С. Шодиева  
Саҳифаловчи:  
Х. Абдужалилов  
ЎЗА яқини – 00:55  
Топширилди – 02:00  
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Бюджет рақами – 1017. 27692-нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6